

# Тафови вадоъ масалалари

05:00 / 16.01.2017 3453

Тавофи вадоъ тавофи садар ҳам дейилади. Бу тавоф офоқий ҳожининг зиммасига Маккаи мукаррамадан қайтаётган вақтида вожиб бўлади. Ушбу тавофга тегишли муҳим масалалар қуйида батафсил баён этилади.

## **Тавофи вадоъ қандай кишиларга лозим бўлади?**

Тавофи вадоъ офоқий, яъни мийқот ташқарисидан келган ҳожиларга (улар хоҳ ифрод, хоҳ қирон, хоҳ таматтуъ ҳажи қилувчи бўлсин) ватанларига қайтаётган вақтларида вожиб бўлади. Башартики, улар мажнун ёки балоғатга етмаган (ёш бола) ёки узрли бўлмасалар, бас. ("Ғунятун носик").

## **Тавофи вадоъ қандай кишиларга вожиб эмас?**

Тавофи вадоъ Макка, ҳил, мийқот аҳллари ва узрли (ҳайз ёки нифосли аёл, мажнун ва балоғатга етмаган) офоқийларга вожиб эмас. Шунингдек, фойтул ҳаж, яъни ҳаж қилиш учун йўлга чиққан, лекин унга улгурмаган кишига, муҳсар, яъни йўлда бирор сабаб билан ушланиб қолган ёки тўхтатиб қолинган кишига ҳамда фақат умра қилиш мақсадида борган офоқий кишиларга ҳам вожиб эмас ("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож").

## **Тавофи вадо Макка, ҳил ва мийқот аҳллари учун мустаҳабдир**

Макка, ҳил ва мийқот аҳллари ҳамда у ерда муқим бўлиб тўхтаб қолган, яъни ҳаж қилиш учун борган, лекин ҳаждан сўнг ўша ерда яшаш ниятида қолиб кетган киши учун (мабодо, у ердан қайтадиган бўлиб қолса) ватанига қайтиб кетаётган вақтида тавофи вадоъ қилиш мустаҳабдир.

("Раддул мухтор").

### **Фақат умра қилиш учун борган кишига тавофи вадоеъ вожиб эмас**

Фақат умра қилиш учун борган офоқий кишига қайтиши олдидан тавофи вадоеъ вожиб эмас. Кўп кишиларни кўрамизки, улар муборак рамазон ойида ёки бошқа пайтда умра қилиш учун бориб, қайтишларида ҳажга борган офоқийлар сингари тавофи вадоеъга қаттиқ аҳамият қаратадилар. Фақат умра қилиш мақсадида борган кишиларга тавофи вадоеъ мустаҳаб (нафл), холос.

("Маносики Мулло Али Қорий")

### **Тавофи вадоеъ учун ният лозим эмас**

Киши тавофи вадоеъ учун алоҳида ният қилиши, яъни "Мен Маккаи мукаррамадан кетаётганим учун тавофи вадоеъ қиляпман", деб дилдан ўтказиши шарт эмас. Балки, фақатгина тавоф қилса, кифоя. Яна, ҳар қандай нафлий тавоф нияти билан қилинган тавоф ҳам тавофи вадоеъ ўрнига ўтаверади. Яъни, кишининг охириги қилган ҳар қандай тавофи тафови вадоеъ ҳисобланаверади. Ҳудди шундай агар тавофи зиёратдан кейин бирорта нафлий тавоф қилган бўлса, у ҳам тавофи вадоеънинг ўрнига ўтаверади. Албатта, тавоф вақтида тавофи вадоеъ нияти бўлишлиги мустаҳабдир.

("Ғунятун носик")

### **Тавофи вадоеъ қилган заҳотиёқ Маккаи мукаррамадан қайтиш**

Киши тавофи вадоеъни сафар охирида, яъни барча ишлардан фориғ бўлиб, Маккаи мукаррамадан жўнаётган вақтида қилиши мустаҳаб ва афзалдир. Шу боис ҳожиларнинг тавофи вадоеъдан сўнг бошқа ишларга машғул бўлмай, у ердан жўнаб кетишлари мақсадга мувофиқдир.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож").

## **Тавофи вадодан сўнг Маккаи мукаррамада бир неча кун туриб қолиш**

Бир киши ҳаждан сўнг қайтишни ирода қилиб тавофи вадод қилди. Сўнг у қандайдир сабаб билан Маккаи Мукаррамада яна тўхтаб қолди. Шундай қилиб, қайтгунига қадар бир неча кун ўтди. Ватанига қайтаётган вақтда унга иккинчи бор тавофи вадод қилиш вожиб ҳам, лозим ҳам бўлмайди. Чунки, унинг тавофи вадод ниятида қилган аввалги тавофи тавофи вадод бўлаверади. Ҳа, албатта, жўнаш олдидан қайта тавоф қилиб олиши афзалдир. Чунки, имом Абу Ҳанифа раҳимаҳуллоҳ наздларида киши тавофи вадодан сўнг бир неча соат бўлса ҳам у ерда тўхтаб қолса, равона бўлаётган вақтида иккинчи бор тавофи вадод қилиши афзал ва мустаҳабдир.

("Ғунятун носик").

## **Тавофи вадод ҳайз ёки нифосли аёлдан соқит бўлади**

Мийқот ташқарисидан ҳаж қилиш учун келган аёл ватанига қайтаётган пайтида ҳайз ёки нифос ҳолатида бўлса, унинг зиммасидан тавофи вадод соқит бўлади. Унга ҳеч қандай каффорат ҳам лозим бўлмайди.

("Фатово Тоторхонийя")

## **Ҳоиза ёки нифосдаги аёл Маккадан чиқишдан олдин пок бўлиб қолса**

Тавофи вадод ҳайз ёки нифос кўрган аёлга лозим эмас. Аллоҳ таоло берган бу узр сабабли ундан тавофи вадод кечирилади. Лекин, Маккаи мукаррамадан чиқиб кетишидан олдин пок бўлиб қолса ва тезда ғусл қилиб тавоф қилиш имконига эга бўлса, унга тавофи вадод қилиш вожиб бўлади. Лекин, Маккаи мукаррама шаҳридан ташқарига чиққандан сўнг

пок бўлса, ортга қайтиб тавоф қилиши вожиб эмас. Агар Маккаи мукаррамадан чиқиб кетишдан олдин пок бўлса-ю, бироқ унинг Байтуллоҳга қайтиб тавоф қилиши сабабли улов(автобус)дан қолиб кетиш эҳтимоли бўлса, бу ҳам Аллоҳ томонидан берилган узр деб ҳисобланади. Яъни, бундай ҳолатда ҳам тавофи вадое унинг зиммасидан соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

### **Ҳаждан сўнг Маккада туришни ирода қилган киши учун тавофи вадое**

Агар бирор офоқий киши ҳаждан сўнг, Маккаи мукаррамада туришни ихтиёр қилса, унинг зиммасидан тавофи вадое соқит бўладими ёки йўқми? Бу масала ҳам жуда муҳим. У киши бир неча йилгача Маккаи мукаррамада муқим бўлиб турса ҳам, қайтаётган вақтида тавофи вадое қилиши вожибдир. Айтайлик, офоқий ҳаждан сўнг, Маккаи мукаррамада тижорат ёки бирор жойда ишлаш мақсадида туриб қолди. У ватанига қайтаётган вақтида тавофи вадое қилиши вожиб бўлади. Ҳа, албатта, агар ҳижрат қилиб, Маккаи мукаррамани ўзи учун ватан тутса-ю, кейинроқ у ердан қайтишга тўғри келса, унга тавофи вадое лозим бўлмайди. Чунки, у аҳли Макканинг ҳукмида бўлиб қолади. Лекин, бу ҳукм у ерни 12-зулҳижжадан олдинроқ ўзига ватан тутишни ирода қилган кишига тегишлидир. 12-зулҳижжадан олдин бу ниятни қила олмаган кишидан тавофи вадое соқит бўлмайди.

("Муаллимул ҳужжож")

### **Таҳоратсиз қилинган тавофи вадоенинг жаримаси**

Таҳоратсиз ҳолда қилинган тавофи вадоенинг ҳар бир айланаси эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой), етти айлана эвазига эса еттита садақа жарима сифатида бериш лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

## **Жунублик ҳолатида тавофи вадое қилиш**

Агар киши жунублик ҳолатида тавофи вадое қилса, жаримасига бир қўй ёки эчки қурбонлик қилиши вожиб бўлади. Агар тавофни қайта бажарса, қурбонлик соқит бўлади. Тавофи вадоенинг аксар қисми, яъни тўрт ёки ундан зиёда айланасини жунублик ҳолатида адо қилган кишининг ҳам ҳукми шу.

("Ғунятун носик").

## **Тавофи вадое қилмай ватанга қайтиш**

Зиммасига тавофи вадое қилиш вожиб бўлган офоқий киши тавофи вадое қилмай ватанига жўнаса-ю, лекин мийқотдан чиқиб кетмаган бўлса, унга Маккаи мукаррамага қайтиб, мазкур тавофни адо этишлиги вожиб бўлади. Бундай суратда у қайта эҳром боғлаб келишлиги лозим эмас.

Агар мийқотдан чиқиб кетган бўлса, ихтиёр ўзида. Хоҳласа, каффоратига Ҳарам ҳудудида сўйилиши учун бир жонлиқ (қўй ёки эчки) жўнатсин. Хоҳласа, умрага эҳром боғлаб келиб, аввал умра арконларини, сўнг тавофи вадое қилиб, ватанига қайтиб кетсин. Агар шундай қилса, унга ҳеч қандай каффорат лозим бўлмайди. Албатта, тавофи вадое учун Маккаи мукаррамага мийқот ташқарисидан қайтаётган киши умрага эҳром боғлаб келиши вожиб. Мийқот ташқарисидан эҳромсиз қайтиб келиб, тавофи вадое қилиш жоиз эмас.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож").

## **Маккаи мукаррамадан ватанга қайтиш**

Ҳаж амалларидан фориғ бўлиб, Маккаи мукаррамадан қайтаётган ҳожи тавофи вадое қилсин (Ушбу тавофни қилиш вожиб бўлиб, унда рамал ҳам,

тавофдан кейин саъй ҳам қилинмайди). Тавофдан сўнг икки ракъат тавоф намози ўқисин. Кейин юзини Каъбатуллоҳга қаратиб замзам сувидан тўйиб-тўйиб ичсин ва ундан юзи, боши ва баданларига ҳам қуйсин. Сўнгра Каъбатуллоҳ остонасини ўпсин, мултазамга кўкси ва юзини теккизиб, қўлини юқорига кўтариб, каъбапўшга осилиб, йиғлаб-йиғлаб дуолар қилсин. Агар йиғи келмаса, ўзини йиғлаётган кишига ўхшатсин. Аллоҳнинг муқаддас байтидан жудо бўлаётганидан афсусланиб, ҳасратли ва ғамгин нигоҳлар билан Каъбатуллоҳга қараб, йиғлаб-йиғлаб Масжиди Ҳаромдан ташқарига чиқсин. Дарвозага етгач, ниҳоятда ожизлик ва синиқлик билан Аллоҳ таолодан бу муқаддас макон зиёратини қайта насиб этишини сўраб, дуолар қилсин (Ҳайз ёки нифосли аёллар эса Масжиди Ҳаромга кирмасдан, дарвозада туриб дуо қиладилар).

("Муаллимул ҳужжож").

Юқорида айтилган тавсиялар бирор кишига озор етказмаслик шарти билан амалга оширилади.

### **Тавофи вадоеъ қилмай Минодан ватанга қайтиш**

Саудия Арабистони ёки унга қўшни ўлкаларда яшовчи кўплаб ҳожилар Мино ва Арафотга шахсий машиналарида (гоҳ ўзлари, гоҳ оилавий) келадилар. Улардан баъзилари тавофи вадоеъ учун Маккаи мукаррамга келмай, Минодан (тошларни отиб бўлгач) тўғри ватанларига қайтиб кетадилар. Бундай қилган ҳожиларга тавофи вадоеъни тарк этганлари сабабли биттадан қурбонлик вожиб бўлади. Ҳа, албатта, агар ортларига қайтиб, тавоф қилиб олсалар, қурбонлик соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

### **Уйдан чиқишдаги дуолари**

Киши уйидан ёки турар жойидан жўнамоқчи бўлиб чиқаётган вақтида қуйидаги дуони ўқиса, иншааллоҳ, шайтон ва душманлар ёмонлигидан омонда бўлади ва ҳеч қандай мушкул ҳолатга тушмайди.

هَلَلاب الاءوق ال و لواح ال هَلَلال ىلع تَلْكَوت هَلَلال مَسَب

“Бисмиллаҳи таваккалту ъалаллоҳи лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ”

Маъноси: “Аллоҳнинг номи ила (сафарни бошлайман). Аллоҳгагина таваккул қилдим.. Гуноҳлардан сақланиш ва тоатга қодир бўлиш Аллоҳ таолонинг ёрдамисиз бўлмайди” .

(“Сунани темизий”).

رِيسا كَب و لواح كَب و لوصا كَب مَهَلَلال

“Аллоҳумма бика асулу ва бика аҳулу ва бика асийр”

Маъноси: “Эй Аллоҳ, фақат Сенинг мададинг ила ҳиммат қиламан ва фақат Сенинг мададинг ила гуноҳлардан сақланаман ва фақат Сенинг мададинг ила сафарда юраман”(“Муснади Имом Аҳмад”).

### **Яқинлар билан хайрлашиш**

Яқинлар ва дўстлар билан хайрлашаш вақтида ушбу дуо ўқилади:

مَكَلامعا مِيتاوخو مَكْتناما و مَكْنيد هَلَلال عدوتسا

“Аставдиъуллоҳа дийнакум ва амаанатакум ва ховатийма аъмааликум”.

Маъноси: “Мен сизларнинг динингиз, омонатингиз ва амалингизнинг хотималарини Аллоҳга топшираман”

("Сунани темизий").